



2017 йил «23» январь

№ 944.

**2017 йилда манзилли дастур
асосида қурилиши режалаштирилган
“Иссиқхона” биносини қуриш учун ер
майdonи танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 9 мартдаги №70-сонли «Шаҳарсозлик фаолияти ва қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари беришнинг, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришини реконструкция қилишга, турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатномалар беришнинг умумий белгиланган тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи вилоят бош архитектори билан келишилган 2016-йил 6 декабрдаги №01-925-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 12 январдаги №21-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад шаҳри Амир Темур маҳалласида яшовчи Эрназаров Рахим Нурабад шаҳри Қиличли маҳалла фуқоролар йиғини худудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0,24 гектар яйлов ер майдонига “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 19 январдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад туман Қиличли маҳалла фуқоролар йиғини худудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0,24 гектар яйлов ер майдонига

"Девонкона" қурилиш учун ер майдони тенгши ва шартлиги тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 19 январдаги ҳаёлотномаси тасдиқланган.

2. Эрнезаров Рахимга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 февралдаги №54-сонли қарорига кўрсатилган муддат ва талабига асосда АРТ (архитектура режаманининг тошириги) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш нazorат инспекциясига қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш.

-қурилган бино вилоятда экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш.

-тасдиқланган қурилиш лойиҳасига асосда қурилишни амалга ошириш.

-қурилиш ишлари тугатиш билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш.

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Эрнезаров Рахим томонидан тасдиқланган қурилишни лойиҳа асосда қурилиш ишларини амалга оширишнинг нazorат қилиш тоширилсин.

4. Ер участкасини нагурага кўчариш ишларини "Ўз ГАНҚЛИТИ" ДУКнинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Эрнезаров Рахим томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳасига асосда қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини нazorат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джуроев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов